

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истеъмолчи”ни электр қурилмаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатини линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда “Истеъмолчи”га хабар қилиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алаштиришнинг, ўрнатилгани ва уларга хизмат кўрсатишнинг, шунингдек уларни пломбалашнинг таъминланг;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолчининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолчини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлан вақтида энергия етказиб берилишидаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.